



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 27 ноябрь, № 231 (4641)

Пайшанба


Ахборот-кутубхона маркази: БИЛИМ ВА ТАФАККУР ХАЗИНАСИ

Президентимизнинг бундан икки йил муқаддам қабул қилинган "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан, мамлакатимиздаги мавжуд барча кутубхоналарни ахборот-ресурс ҳамда ахборот-кутубхона марказларига айлантириш кўзда тутилган эди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, бугунги кунда ўқув муассасалари қошида замонавий имкониятларга эга бўлган ахборот-ресурс марказлари ҳамда туман ва шаҳарларда муҳим маълумотлар базаси жамланган ахборот-кутубхона марказлари ташкил этилди.

Жаҳон андозаларига мос маъзур зиё масканлари қўлайлиги, замонавий имкониятлари, хизмат кўрсатиш сифатининг юқорилиги боис, кенг китобхоналар оммасини ўз бағрига қорламоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз АКМларининг умумий китоб захираси 5 миллион нускага яқин бўлиб, ундан фойдаланувчилар сони 145 минг нафардан зиёдни ташкил этади.

Республика ахборот-кутубхона маркази эса маъзур ахборот-кутубхоналар учун услубий марказ вазифасини бажармоқда. Марказимиз Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфидagi 14 та ахборот-кутубхона маркази фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Хусусан, Республика АКМда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги АКМларнинг бошқаруви, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, услубий-меъёрий базасини такомиллаштириш, мутахассис ходимлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш каби чора-тадбирлар амалга оширилади. Марказда мунтазам равишда АКМ ва ахборот-ресурс марказ(АРМ)лари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида тажрибали кутубхоначилар ҳамда хорижлик малакали мутахассислар иштирокида семинар-тренинглари олиб борилади. Ушбу анжуманларда мутахассисларга хизмат кўрсатиш сифати, электрон ахборотлар қидируви, кутубхона фондларини сақлаш, ахборот-кутубхона фаолиятини режалаштириш ва хисоботлар сингари масалалар юзасидан услубий тавсиялар берилди.

Интелиш



ланган сифатли хизмат турларини тақдим этиш лозим. Бунда, энг аввало, китоб фондларининг электрон ресурсларини яратиш, кутубхона ишини автоматлаштирилган дастурлар асосида ташкил этиш самарадорлигини ошириш талаб этилади.

Шу маънода, АКМларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида биргина жорий йилнинг ўзига мамлакатимиздаги 14 та АКМ мавжуд 100 та компьютерга қўшимча 150 та компьютер техникаси билан таъминланди. Бундан ташқари,

ушбу зиё масканлари нусха кўпайтириш аппаратлари ҳамда рангли сканер ускуналари билан тўлик жиҳозланган.

(Давоми 4-бетда).

Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси олдида

Мустақил Ўзбекистон бугун ўзининг тинчликсевар собит йўлига эга. Бу йўл иқтисодий, сиёсий барқарорлик ва халқро ҳақдорлик йўлидир. Негаки, биз бугун тенглар ичда тенгмиз ва бу бизни хавфсиз ва барқарор дунёни шакллантиришда ҳайрли ишлар сари бошлабди. Бу йўлдаги ислохотлар эса давом этмоқда.

ИНСОНПАРВАР ҲОЯЛАР ИФОДАСИ

Олий Мажлис Сенати ўн олтинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилиши мўлжалланган "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Баённомага (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ана шундай сиёсий ва ҳуқуқий ислохотларнинг бир қўрғини ҳисобланади. Парламент юқори палатаси Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С. САФОВЕВИНнинг таъкидлашича, ялпи ййилгиш кун тартибига қўйилган бу масала, яъни маъзур Факультатив баённома Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясида қабул қилинган. Унинг асосий мақсади Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг ишторқисчи бўлган давлат томонидан унинг юрисдикцияси остидаги биронта ҳам шахсни ўлим жазосига ҳукм қилмаслиги мажбуриятини ўз зиммасига қабул қилинишини таъминлашдан иборат.

2008 йил 30 октябрда давлатимиз раҳбарининг бу таъаббусини маъқуллаб, тегишли Қонунни қабул қилди ва уни Сенатга юборди.

Маълумки, Юртбошимизнинг бевосита раҳамоллиги туфайли мамлакатимизда гуманизм ва демократия принципларининг энг олий қадрияти ҳисобланувчи инсон ҳаётининг муқаддаслиги ва ҳамма нарсадан устунлиги гоёси қарор топган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони ва унинг асосида 2007 йил 11 июлда парламент томонидан қабул қилинган "Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан республикада 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноий жазо сифатида ўлим жазоси бекор қилинди. Ушбу чора Ўзбекистон Республикаси демократик ҳамжамиятининг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторида инсонпарвар давлат эканлигини яна бир бор намоён этди.

Шу билан бирга, зикр этилган тадбир дунёда республикада илҳам қилинган (Давоми 2-бетда).

БЮДЖЕТНИНГ УСТУВОР ЖИҲАТЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ЙЎНАЛИШИ САҚЛАНДИ

Илгари хабар қилингандек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида ўн олтинчи ялпи мажлисга тайёргарлик ишлари олиб боришмоқда. 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг 2009 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг йўналишларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети параметрларини муҳокама қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Қатнашчилар мамлакатнинг келаси йилги асосий молиявий ҳужжатини муҳокама қилар эканлар, 2009 йилги солиқ-бюджет сиёсатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар асос қилиб олинишини таъкидладилар. Хусусан, иқтисодийнинг янада ислохот қилиш ва эркинлаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш давом эттирилиши назарда тутилмоқда.

2009 йилги солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари макроеқтисодий барқарорликни, Давлат бюджетининг даромадлар базасини янада мустаҳкамлаш, солиқлар тўлашишини ошириш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш, бюджет харajatлари ўз вақтида ва тўла-тўқис амалга оширилишини таъминлаш чораларини назарда тутиди.

Мажлис қатнашчилари Давлат бюджетининг иқтисодий йўналиши юксак даражада эканлигига, хусусан, фуқароларнинг даромадлари изчиллик билан солиқ борилишига, таълим ва соғлиқ сақлаш тизимига, шунингдек, иқтисодий ҳимоя соҳасида аҳолига қўрсатилаётган хизматларнинг яхшиланишига эъти-

борни қаратдилар. Шу билан бир қаторда, 2009 йилги бюджетни шакллантиришда иқтисодийнинг барқарор ва мувозанатли ўсишини, унинг эркинлашуви ҳамда модернизациялашувини таъминлаш, бизнесни ривожлантириш ва инвестициялар жалб этиш учун қўлай шароитлар яратиш асосий жиҳат бўлиб қолди.

2009 йилги бюджет сиёсатининг аҳоли даромадлари ва фаронглигини оширишга қаратилган устувор йўналишларидан бири бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақларини, пенсиялар, стипендиялар ва иқтисодий нафақаларни 2010 йилгача 2,5 баравар ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов томонидан қўйилган вазифа бажарилишини таъминлашдан иборат эканлиги қайд этилди.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг фаолиятини янада яхшилаш, ёшларни миллий ҳамда жаҳон мусиқий ва тасвирий санъатининг юксак намуналарига дохил қилиш учун зарур шароитларни яратиш мақсадида 2009 йилдан бошлаб мусиқа ва санъат мактаблари қурилишига, уларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга, шунингдек, мусиқа асбоблари ва махсус ин-

вентарлар билан жиҳозлашга Давлат бюджетдан маблағ ажратиш назарда тутилмоқда.

Давлат бюджетда умумтаълим мактабларини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва тиббий газ билан таъминлашни яхшилашга қаратилган давлат мақсади дастурларини амалга ошириш учун зарур маблағлар ажратиш назарда тутилганлиги ҳам қайд этиб ўтилди.

Шу билан бирга, мелиорация тармоқларини реконструкциялаш, таъмирлаш ва тозаланиши, камунум ерларда пахта етиштиришнинг фермер ҳўжаликлари билан қўллаб-қувватлаш чораларини назарда тутишчи Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш тадбирларини молиялаш ҳамда дастурини қўпайтириш режалаштирилмоқда.

Саноат махсусоти ишлаб чи-

қариш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини бундан бун ҳам қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жадал ривожланишини рағбатлантириш мақсадида улар учун ягона солиқ тўловининг амалдаги таъин ставкасини 8 фоиздан 7 фоизга тушириш таклиф қилинмоқда. Хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган юридик ва жисмоний шахсларнинг белгилаб қўйилган даромад солиғи миқдорини камайтириш ҳам назарда тутилмоқда.

Ушбу чораларнинг қабул қилиниши янги иш ўринлари яратилишига, аҳолининг иш билан бандлиги ва унинг фаронглиги ошишига ёрдам беради, яқка тадбиркорлик билан машғул кишилар қўлайлиги ҳисобига солиқ солинадиган базанинг кенгайиб бориши кўчади.

Келаси йилда Давлат бюджетининг газ ва иқтисодиёт механизмининг такомиллаштириш, бюджет маблағларидан ўз ўрнида фойдаланилишини самарали ва таъсирчан назорат қилиш таъминлаш, бюджетдан ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини берадиган норматив молиялаш усуллари қўллашни кенгайтириш, харajatларни мақбуллаштириш ишлари ҳам давом эттирилади.

Муҳокама якунлари бўйича сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджетини маъқуллаш ҳамда уни Сенатнинг ўн олтинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Қўмита мажлисида сенаторлар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

(Ў.А.)

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

Пойтахтимизда «Roison-Candy» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси иш бошлади.

Инвестиция ҳисобига

Маъзур ишлаб чиқариш муассасасининг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда нафақат юртимиз ишбилармонларига, балки хорижий сармоядорларга ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун қўлай шарт-шароит яратилганини, уларга қўллаб-қўллаб имтиёزلарнинг берилиши чет эл фирма ва компанияларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини тобора орттираётганини эътироф этишди.

«Roison-Candy» қўшма корхонаси Ўзбекистоннинг «Roison Electronics» масъулияти чекланган жамияти ҳамда Италиянинг «Candy Group» трансмиллий компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Янги корхона илгор технологиялар ёрдамида турли хилдаги маиший техника ва жиҳозлар, жумладан, кир ювиш ва музлаткичлар ишлаб чиқаришга иктисослаштирилган.

Таъкидлаш керакики, «Candy Group»га 1945 йилда асос солинган. У бугунги кунда мингдан ортқ турдаги маиший техникалар ишлаб чиқаради. Компания махсусотлари дунёнинг 100 дан ортқ мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Шоҳло ЗАЙНИЕВА.

Андижондаги «ASR» кредит уюшмаси мамлакатимиз молия бозорига ўз нуфузига эга ташкилот ҳисобланади.

«Олтин юлдуз»ли «ASR»

Бир қатор халқаро танловлар голиби бўлган «ASR»га яқинда Бутунжаҳон микроолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви — «MIX-MARKET» рейтинг агентлигининг 5 та олмос муқофоти тақдим этилди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Олтириқ туманининг олис қишлоқларида ҳам маданий-маиший объектлар барпо этишга эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқлар қиёфаси ўзгармоқда

Бу манзилларда 2,5 километр табиий газ, 3,8 километр сув қувурлари ётқизилди. 125 ўринли умумий овқатланиш, 13 та маиший хизмат кўрсатиш шохбаси, 97,5 квадрат метр ҳажмдаги савдо бинолари фойдаланишга топширилди.

Яқка тартибда уй-жой қуриш ҳажми эса аввалги йилдагига нисбатан икки баробарга ортди.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Ибн Сино номидаги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона марказида 2009-2010 ўқув йилига умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг иктисослаштирилган кўرғазма-ярмаркаси ташкил этилди.

Дарсликлар кўрғазмаси

— Кўрғазма 17 декабрдан давом этади, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассиси Х. Сафаров. — Айни пайтда иштирокчилар кўрғазмага қўйилган ўқув адабиётлари ва дарсликлар юзасидан ўзларининг таклиф-мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Бу дарсликларнинг янги авлодини яратишда, албатта, инобатга олинади. Шунингдек, кўрғазмадан янги чоп этилган бадиий китоблар ҳам жой олган.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-академик лицейда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Лицейда анжуман

Вилоят адлия бошқармаси ва судлар департаменти илобуят ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган вилоят тадбирда сўзга чиққанлар маъзур Декларациянинг яратилиш тарихи, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг Конституциявий ҳуқуқий кафолатлари, бола ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги ҳақида фикр юритдилар.

Анжуман доирасида мавзуга оид кўрғазма ҳам намойиш этилди.

Абдурауф САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Бир рақам шарҳи

СУҒУРТА МАЖБУРИЯТЛАРИ ҲАЖМИ КўПАЙМОҚДА



2008 йилнинг тўққиз ойи мобайнида республикада суғурта мажбуриятлари ҳажми ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга таққослаганда 26,2 фоизга кўпайди.

Юртимизда суғурта бозорини ривожлантириш юзасидан қабул қилинган ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар талабларини изчил бажариш орқали шундай ижобий натижага эришиш таъминланди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Муҳбиримиз қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати ҳамда қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳусусида қўмита аъзоси Гулом САФАРОВ билан суҳбатлашди.

— Дастлаб "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати ҳақида тўхталсангиз.

— "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги "Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилмаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан шу йилнинг апрелида Қонунчилик палатасига киритилган эди.

Маълумки, Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йилги 2007 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожланиш йиллари ҳамда 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги ёндашувлар тўғрисида қўйилганлиги, айниқса, давлат мулкни баҳолаш ва кейинчалик хусусий мулк сифатида сотилишини тартибга солинадиган мезъорий-ҳуқуқий базани эркинлаштириш юзасидан алоҳида тўхталгани эди.

Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Аввало, "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги Қонун 1999 йилда яратилган бўлиб, у баҳолаш фаолияти соҳасида олиб борилаётган иқтисодий

ҳасидан хабардор ва малака сертифицига эга, холос.

Таъкидлар чоғида мавжуд баҳоловчи ташкилотларнинг 90 фоизидан бири нафар ходим ишлаётгани аниқланган. Баъзи ҳолларда эса бир нафар баҳоловчи бир неча баҳоловчи ташкилотларга ўриндошлик асосида ишлаб келмоқда. Аксарият баҳоловчи ташкилотлар бошқа соҳаларда иш юритиб, ба-

шартномага қўйилаётган талаблар ҳамда баҳоловчи ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид моддалар тўғрисида қайта ишлаб чиқилди. Мисол учун, илк маротаба баҳоловчи ташкилотларга ўз фуқаролик жавобгарлигининг суғурта полисини мажбурий равишда жорий этиш тўғрисидаги талаб қўйилмоқда. Бу, бир тарафдан, истеъмолчининг манфаатларини ҳимоя

орқали ишни яхши йўлга қўйиш, баҳоловчиларнинг ишини етарли даражада назорат қилиш ва хизмат сифатини ошириш мақсади қўзғалмоқда.

— Қонун лойиҳасида баҳоловчи ташкилот очик акциядорлик жамиятидан бошқа ҳар қандай шаклда ташкил этилиши мумкинлиги ҳақидаги мезъер мавжуд. Бу нимани билдиради?

— Бу мезъерни киритиш чоғида жиддий мулоҳаза қилиб кўрилди. Маълумки, очик акциядорлик жамияти ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра, акциядорларини тез-тез ўзгартириши мумкин. Бу эса баҳоловчи ташкилотнинг ҳам қўлдан қўлга ўтиб туриши, дегандир. Табиийки, бу ҳолат ташкилотнинг мустақиллигига раҳна солади. Қонун лойиҳасининг асосий мақсади эса баҳоловчи ташкилотларнинг мустақиллигини тўла таъминлашдан иборат. Шунинг учун лойиҳага "Баҳоловчи ташкилотнинг мустақиллиги" алоҳида мезъер сифатида киритилди. Унга кўра, ташкилот фаолиятига буюртмачи ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг аралашуви мумкин эмас.

— Мазкур қонун лойиҳаси тасдиқланиб, қўлга киргандан кейин қандай натижалар кутиш мумкин?

— "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасидан кўра, ташкилот фаолиятига буюртмачи ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг аралашуви мумкин эмас. Масалан, у қабул қилинган, баҳолаш фаолиятининг ҳуқуқий-мезъорий базаси такомиллашади, эркинлашади, шу фаолият билан шуғулланадиган ташкилотларнинг масъулияти кучайтирилади ҳамда баҳолаш хизматининг профессионал савияси ошади. Айни пайтда баҳолаш ташкилотларининг мустақиллиги таъминланади.

Зокир ХУДОЙШУКUROV
суҳбатлашди.

БАҲОЛАШ ФАОЛИЯТИ — МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁН

ислохотлар чуқурлашган ҳамда баҳоловчи ташкилотларнинг амалий фаолияти кенгайиб бораётган ҳозирги пайтда талабга тўла жавоб бераётгани кузатилади. Шунинг оқибатида аксарият ҳолларда баҳолаш ишлари паст даражада ўтказилган.

Қолаверса, амалдаги қонунда баҳоланаётган объектларнинг ҳақиқий қийматини аниқ кўрсатиш ва хизмат сифатини ҳолисона бажаришга масъул бўлган баҳоловчи ташкилотларнинг масъулияти етарли эмасди. Натижада ўз ишига виждондан ёндашмайдиган баъзи баҳоловчилар ўз билганича баҳо бериб, салбий оқибатларга сабаб бўлган.

— Айтинг-чи, ҳозирги пайтда мамлакатимизда ана шундай баҳоловчи қанча ташкилот фаолият кўрсатмоқда? Уларда хизмат қилаётган ходимлар ҳақида нима дейиш мумкин?

— Қонун ижодкорлиги жараёнида бу нарсалар ҳам алоҳида ўрганиб чиқилган. Ҳозирда юртимизда баҳолаш фаолиятини амалга оширадиган 243 та ташкилот ва бир нафар хусусий тадбиркор мавжуд. Шулардан бор-йўри 29 та ташкилот раҳбарига баҳолаш со-

ҳолаш масаласига иккинчи даражали фаолият сифатида қараб келгани ҳам ўрганилди. Табиийки, бу ҳолатлар баҳолаш соҳасидаги ишларга салбий таъсир кўрсатган.

Парламент ҳаёти

— "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги Қонунга қандай ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда?

— Мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги "Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилмаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида"ги қарори ҳусусида айтиб ўтган эдик. Унда баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчиларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

Лойиҳа устида ишлаш жараёнида ана шу кўрсатилган асос қилиб олинди. Натижада амалдаги қонунда мавжуд бўлмаган "баҳоловчи", "баҳоловчи ёрдамчиси" ва "баҳоловчи ташкилот" тушунчалари қонун лойиҳасига киритилди. Бундан ташқари, баҳолаш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги

қўли, иккинчи томондан, сифатсиз хизмат туфайли истеъмолчига етказилган зарарни ўз вақтида қайтариш учун молиявий имконият беради.

Шу билан бирга, баҳолаш фаолиятига доир ишлар таркиби аниқлаштирилмоқда. Негаки, иши аниқ ташкилотнинг мақсади ҳам аниқ бўлади. Баҳолаш ишларини сифатсиз ўтказиш натижада буюртмачига зарар етказилаётган ҳоллар учун эса алоҳида жавобгарлик қўзда тутилади.

Табиийки, жавобгарлик ҳисси ҳам ташкилот раҳбарлари ва ходимларини ҳушёр ишлашга йўналтиради.

Қонун лойиҳасига кўра, баҳоловчи ташкилотнинг бошланғич устав жамғармасини шакллантириш миждори баҳоланадиган мулк турига қараб белгиланади.

Шунингдек, лойиҳада баҳоловчи ташкилот шартнома тузидиган ходим — баҳоловчиларнинг энг кам соғи ҳам аниқлаштирилган. Бундан қўзланган мақсад, баҳолаш ташкилотларининг йириклашиши ва баҳолаш фаолиятини профессионал тарзда амалга оширишларига қўмақлашдан иборат.

Баҳоловчи ташкилотнинг раҳбари фақат баҳоловчи бўлиши кераклиги тўғрисидаги талабнинг киритилиши

Тадбир

Республика Олий ҳўжалик судида "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади" мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади

Ушбу тадбир Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Конституциявий суд, Олий суд, Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш, суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича Тадқиқот маркази, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда катта аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, судларнинг жинсий, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилгани, яраштурув институтлари жорий қилинганлиги, суд соҳасида кадрларни танлаш ва тасдиқлашнинг демократик ҳуқуқий механизми яратилгани, судларда прокурор ва адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминланаётгани ҳам эътироф этилди.

Азамат ДЎСТБОЕВ.

Мавсум

Таъминотда узилиш бўлмади

Тошкент вилояти энергетиклари қўз-қийш мавсумига пухта ҳозирлик кўришмоқда.

Хусусан, Ангрэн ва Янги Ангрэн иссиқлик электр станциялари ўта ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам узулсиз ишлаш учун 1 миллион тонна кўмир гамлаб кўйилди. Бундан ташқари, Фарғона vodiysини қўшимча равишда 400 мегаваттга электр қуввати билан таъминлаш иккинчи бериши "Янги Ангрэн ИЭС — ПС Ўзбекистон" электр узатиш тизими барпо этилди.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ САМАРАСИ

"Наманганмаш" очик акциядорлик жамиятида нефть, газ, энергетика соҳаларида ишлатилган 40 турдан ортик маҳсулот тайёрланмоқда.

Ислохот

Корхона маҳсулотларининг 90 фоизи Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилаётир. Бу борадаги кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114 фоизни ташкил этаётгани эса аҳамиятлидир.

Мазкур жамият маҳсулотлари бир қатор нуфузли халқаро ярмаркаларда муваффақиятли намойиш этилган ҳамда мутахассис ва харидорлар томонидан юқори баҳоланган.

Шу кунларда жамоа аҳли Маҳаллийлаштириш дастурини янада кенгроқ жорий этиш йўлида ҳаракат қилмоқда.

СУРАТДА: корхона ишчиси Акмалхон Дадахонов маҳсулотларни назорат қилмоқда.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.



8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун!

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзусида миллий маданият марказлари фестивали бўлиб ўтди.

Конституциямизда мамлакатимизнинг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани, миллати, тили, дини,

ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, ижтимоий маъракаси ва ҳаётининг турли олдиди тенглиги белгилаб қўйилган.

Сурхондарё вилоятида ҳам 20 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ахил-иноқ яшаб келмоқда. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда юрт фаровонлигини таъминлашда барча миллат ва элат вакилларининг муносиб ҳиссаси бор. Уларнинг миллий урф-одат ва анъаналарини авайлаб-асраши, ривожлантириши ва тарғиб

этиши учун барча шарт-шароит яратилган.

— Ўзбекистон ҳар биримиз учун муқаддас Ватан эканлигини ҳар доим хис қилиб яшаймиз, — дейди вилоят қорейс миллий маданияти маркази раҳбари Ким Эрнест. — Турли байрам ва шодиёналарни барча миллат вакиллари билан бирга нишонлаш баробарида миллий санъати-

Х. МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Жорий йилнинг 27 октябрдан 1 ноябргача бўлиб ўтган иккинчи Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида умумий қиймати 1,4 триллион сўмдан ортик қарийб 1500 та шартнома имзоланди. Тадбир Президент Ислам Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида ташкил этилди.

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

лаб чиқаришни оптималлаштириш учун турдош субъектлар билан яқин кооперация алоқалари ўрнатилиши, маҳаллий хом ашё, материаллар, эҳтиёт қўлимлар ва технологиялардан фойдаланиш ҳисобига харажатларни қисқартириш борасидаги қўшимчаларни қўлайиб бораётганини кўрсатади. Натижада яқиний маҳсулотнинг таннар-

ми зоридаги тармоқларнинг ривожлантиришида корхоналаримизнинг металлургия комбинати қарийб 130 миллиард сўмлик, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси корхоналари 160 миллиард сўмлик, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси 50 миллиард сўмлик шартномаларини имзолади.

Кооперация алоқаларини ривожлантиришда корхоналаримизнинг металлургия комбинати қарийб 130 миллиард сўмлик, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси корхоналари 160 миллиард сўмлик, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси 50 миллиард сўмлик шартномаларини имзолади.

Кооперация алоқаларини ривожлантиришда корхоналаримизнинг металлургия комбинати қарийб 130 миллиард сўмлик, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси корхоналари 160 миллиард сўмлик, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси 50 миллиард сўмлик шартномаларини имзолади.

Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси олдидан

ИНСОНПАРВАР ҒОЯЛАР ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қилишга барча чораларни кўради", деб кўрсатиб ўтилган.

— Баённома яна қайси жиҳатлари билан инсонпарварлик ғояларини тарғиблиқ ва инсон манфаатларини ҳимоя қилади?

— Дарҳақиқат, Баённоманинг яна бир неча муҳим жиҳатлари мавжуд. Чунки, 4 ва 5-моддаларда Пактнинг иштирокчиси бўлган мамлакатнинг бошқа бир давлатда ёки иштирокчи мамлакатнинг фуқароси томонидан ўзининг давлатида ушбу Баённомани бандлаш бажарилмаётганлиги ҳақидаги аризаларни БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан кўриб чиқиш ваколати ҳам кўрсатиб ўтилган.

Баённомани 7-моддасида эса унга давлат томонидан қўйилиш механизми акс этирилади. Унга кўра, Баённома қўйилиш давлатнинг ушбу ҳужжатни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотибда расмий равишда рўйхатга олиниши орқали амалга оширилади. Ва ниҳоят, 8-моддага кўра, Баённома қўйилиш давлат учун мажбурий ҳужжат қўйилиш ҳақидаги баъжарилмаётганлиги ҳақидаги аризаларни БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан кўриб чиқиш ваколати ҳам кўрсатиб ўтилган.

Баённомани 7-моддасида эса унга давлат томонидан қўйилиш механизми акс этирилади. Унга кўра, Баённома қўйилиш давлатнинг ушбу ҳужжатни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотибда расмий равишда рўйхатга олиниши орқали амалга оширилади. Ва ниҳоят, 8-моддага кўра, Баённома қўйилиш давлат учун мажбурий ҳужжат қўйилиш ҳақидаги баъжарилмаётганлиги ҳақидаги аризаларни БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан кўриб чиқиш ваколати ҳам кўрсатиб ўтилган.

Баённомани 7-моддасида эса унга давлат томонидан қўйилиш механизми акс этирилади. Унга кўра, Баённома қўйилиш давлатнинг ушбу ҳужжатни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотибда расмий равишда рўйхатга олиниши орқали амалга оширилади. Ва ниҳоят, 8-моддага кўра, Баённома қўйилиш давлат учун мажбурий ҳужжат қўйилиш ҳақидаги баъжарилмаётганлиги ҳақидаги аризаларни БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан кўриб чиқиш ваколати ҳам кўрсатиб ўтилган.

Алишер БОЛИЕВ
ёзиб олди.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Вобкент — туманимиздаги энг обод, намунали маҳаллардан бири. Аҳолини иш билан таъминлаш, касаначилик яхши йўлга қўйилган. Маҳалладаги заргарлик, сураткашлик, тунукасозлик, кулоллик билан машғул усталар олдиди ёшларни ҳам учратасиз.

ЭЛ ИШОНЧИ

Ҳудудда, кейинги уч йил мобайнида хомийларни жалб этган ҳолда кам таъминланган 227 та оиланинг табиий газ тўлови, ичимлик сув таъминотини яхшилаш каби мақсадларга 32 миллион сўмлик ёрдам кўрсатишга эришилди. Бундай оилаларнинг 11 нафар боласига хатна тўйи ўтказилди.

Яна бир эътиборга молик далил. Маҳаллада спорт ихлосмандлари кўп. "Футболимиз келажак", "Маҳалламиз полвонлари", "Соғлом оила" сингари мусобақаларда вобкентликлар нафақат вилоят, балки республика миқёсида дуруст натижаларга эришиб келаяптилар.

Буларики барчаси маҳалла етакчиси ва унинг маслаҳатчилари вазифасига фидойи, тиниб-тинчимас кишилар сайлангани самарасидир. Чунки кўп нарсга уларга боғлиқ. Қолаверса, маҳалла раисининг ҳалол, олижаноб, ўзгалар таъбири билан яшайдиган инсон бўлганига нима етсин. Маҳалла етакчисига елкадош бўлиш эса шу гўшани обод ва намунали маскан сифатида кўриш истигадига барча фуқароларнинг бурчи саналади. Туманимизда кишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари сайловига худди шу нуқтаи назардан туриб ёндашилаётти. Жами 55 та ўзини ўзи бошқарув органида сайлов ўтказилади. Сайловни ташкил қилиш билан боғлиқ юмушларда корхона ва ташкилотлар кўмаги тегапти. Тадбирнинг муқобиллик асосида очик-ошкоро ўтаётгани фуқароларнинг тақлиф ва талабларини ўрганиш имконини берапти. Ҳозиргача йигирматадан зиёд маҳалла ўзига етакчи ва унинг маслаҳатчиларини сайлаб олди. Улар эл ишончини оқлаш йўлида фаол ишга киришдилар.

Собир ОРТИҚОВ,
Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳақида ўтказишга қўмақлашувчи Вобкент тумани комиссияси аъзоси.

тротмаш" заводи, "Фусункор" ҚҚ, "Осиёэлектронизолатор" ва бошқа корхоналарда республика бўйича кооперация алоқалари йўлга қўйилган.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришда кичик бизнеснинг ўрни кўнайиб бораётир. Бугун мазкур секторнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига улуши 45,3 фоизни ташкил этади. Жумладан, "Биринг" қўшма корхонасида илгари импорт қилинган деталларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳаллийлаштириш ва кооперация алоқаларини кенгайтириш натижада соҳанинг бошқа корхоналари турдош субъектларга сифати хорижий маҳсулотларниқидан қўшимчадан фойдаланиш имкониятини яратиб берди. Ямарка корхоналарини яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ямарка корхоналарини Маҳаллийлаштириш дастури иштирокчиларига зарур хом ашё ва кредит ресурсларидан эркин фойдаланиш имкониятини яратиб берди маҳаллатимиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу дастурни кенг жорий қилишга қўмақлашмоқда.

Иқтисодиётимизнинг саноат секторини ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлган тармоқ ичидидаги ва тармоқлараро кооперацияни кенгайтириш вазифаларини ҳал этиш мақсадида ҳар йили ўтказилаётган Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси узоқ муддатли ҳўжалик алоқаларини шакллантириш учун бозор инфратузилмасини яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ямарка корхоналарини Маҳаллийлаштириш дастури иштирокчиларига зарур хом ашё ва кредит ресурсларидан эркин фойдаланиш имкониятини яратиб берди маҳаллатимиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу дастурни кенг жорий қилишга қўмақлашмоқда.

А. ИВАНОВА,
Н. МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири.

Ахборот-кутубхона маркази: БИЛИМ ВА ТАФАККУР ХАЗИНАСИ


(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жорий йилда АКМларнинг 8 таси яна бир қулайликка — библиобусларга эга бўлди. Эндиликда узок қишлоқларда маданий-маърифий тадбирлар, адабий-бадиий кечалар, турли кургазмалар ўтказишда АКМларга ушбу библиобуслар — "Дамас" русумли автомашиналар беминнат хизмат қилади. Йил охирига қадар ушбу зиё масканларнинг автомашина билан тўлиқ таъминланиши кўзда тутилган.

Бугун ахборот-кутубхоналарнинг шарт-шароитини яхшилаш борасида ҳам муайян ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, айни пайтда пойтахтимиздаги "Турон" ахборот-кутубхона маркази биноси капитал таъмирланмоқда. Бундан ташқари, жорий йилда Андижон вилояти АКМ таъмирдан чиқарилиб, замонавий жиҳозланди. Қорақалпоғистон Республикаси АКМ эса янги қурилган муҳташам бинода иш бошлади.

Ушбу кутубхоналарнинг ахборот-ресурс маркази ҳамда ахборот-кутубхона марказига айлантирилганлиги, уларнинг юксак шарт-шароити ва имкониятлар билан таъминланганлиги қандай самара бермоқда? Энг аввало, шунга айтиш керакки, замонавий имкониятлар билан таъминланган ва буткул янги намунага эга фаолият қўрсатаятган ушбу зиё масканлари ахборот олувчи зарур маълумотга тез ва осон эга бўлиши

имконини беради. Яъни, эндиликда ўқувчи электрон каталог воситасида керакли манбани



Хасан ПАЙДОВ олган суратлар.

тез ва осонлик билан топ олади. Бинобарин, бугун кўплаб ахборот-ресурс марказларининг электрон каталог билан таъминланганлиги, қироатхоналарнинг Интернетга уланганлиги ва уларнинг электрон адабиётлар ресурслари билан бойитиб борилаётганлиги натижасида ўқувчиларнинг кутубхонага қатнови сезиларли даражада ортди. Айниқса, кутубхоналарaro тизим воситасида бир кутубхонада туриб, бошқа АКМлар ҳақида маълумотга эга бўлишдек имконият яратилганлиги кўпчилик ёшларни қизиқтирмоқ-

да. Шубҳасиз, бу қизиқиш йигит-қизларимизнинг маънавий онгини юксалтиришга, уларнинг

Хоразм вилоятидаги марказ қишлоқда кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлаётган муъжазгина ўлкашунослик музейи ташкил этилганлигини айтиш жоиз. Унда воҳодаги танқили хунармандлар ижодидан намуналар, қадимий хунар турларига оид махсус кўлланимлар мавжуд. Андижон вилояти АКМда очилган музейда эса кутубхонанинг бир асрлик тарихига оид ноёб экспонатлар билан танишиш мумкин. Айниқса, жиззахлик ёш бир

мутахассис кутубхона фаолияти кўрсаткичларини автоматлаштириш дастурини яратган-

Бир сўз билан айтганда, бугун барча ахборот-кутубхона марказлари ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжини қондириш, маънавий қадриятларни асраб-авайлаш, замонавий технологиялар ёрдамида аҳолига ахборот манбаларини тақдим этишдек вазифани бажариш йўлида намунали иш услубини яратишга бел боғлаган. Бу изланишлар ҳозирданқў ўз самарасини бераётганлиги кутубхоналарга келувчилар ортаганлигидан ҳам маълум. Бу, айниқса, келажакимиз ворисларининг муштарак фикрли, маънан баркамол шахс бўлиб вояга етишларида муштарак пойдевор вазифасини ўтайди.

Дилором ҚУДРАТОВА, Республика Ахборот-кутубхона марказининг бош мутахассиси.

Спорт • Sport • Спорт • Sport

Ўзбекистонда ҳам миллионлар ўйини — футболнинг ишқибозлари кўпчиликини ташкил этади. Мамлакатимизда футболни ривожлантиришга берилётган эътибор туфайли вакилларимиз халқаро миқёсдаги мусобақаларда юксак натижаларга эришмоқдалар. Биргина жорий йилнинг ўзида Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоаси Осиё чемпионлар лигасининг ярим финалигача етиб борди. Ёшлар терма жамоамиз эса Осиё чемпионатида қумуш медални кўлга киритиб, миллионлаб футбол мухлислари олам-олам қувонч бахш этди. Ўз навбатида, вакилларимиз эришяётган ютуқлар халқаро миқёсда, жумладан, Осиё футбол конфедерацияси раҳбарияти томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.



ОСИЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ ВА ҲАКАМИ

Қўни кеча Хитойнинг Шанхай шаҳрида йил лавреатларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Аҳамиятлиси, энг яхши, деб топилганлар орасида ҳамюртларимиз ҳам бор. Хусусан, ўтказилган сўрономалар якунига қўра, футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ва "Бунёдкор" клуби ярим ҳимоячиси Сервер Жепаров Осиёнинг 2008 йилдаги энг яхши футболчиси, дея эълон қилинди.

Мажмуот ўрнида айтиш жоизки, Сервер Жепаров 1982 йилда туғилган бўлиб, профессионал футболчилик фаолиятини мамлакатимизнинг номдор жамоаларида ўтаб келмоқда. Хусусан, у 2000-2001 йиллар "Навбахор" (Наманган), 2002-2007 йиллар "Пахтакор" сафида тўп сурган бўлса, 2008 йилдан буён "Бунёдкор" жамоаси аъзоси ҳисобланади. Эътиборли жиҳати шундаки, майдонда ярим ҳимоячи амплуасида ҳаракат қилишга қарамай, жорий йилги мавсумда у рақиблар дарвозасига 19 та тўп киритиб, мил-

лий чемпионатимиз тўпурарига айланди. Жепаров, айниқса, чиройли тўп узата олиш қобилияти билан мухлислар меҳрини ҳам қозонган.

Таъкидлаш керак, Сервер ушбу нуфузли мукофотга сазовор бўлган биринчи ўзбекистонлик футболчи сифатида ҳам тарихдан жой олди. Шу қўнғача

Ўзбекистонлик ФИФА рефериси учун бу галаба тасодифий эмас. Собик футболчи, яқинда ўзининг ўттиз бир ёшини нишонлаган Равшан Эрматов ҳам муСОБАКАЛАРИ АДОЛАТИ БОШҚАРИШИ БИЛАН МУТАХАССИСЛАР НАЗАРИГА ТУШГАН. У 2010 йил Жанубий Африка Республикасида ўтказилган жаҳон чемпионатида жалб қилиниши мумкин бўлган ҳакамлар рўйхати ҳам киритилган.

Осиёнинг порлаб чиқаётган юлдузларидан бири ҳисобланган Равшан Эрматов йилнинг энг яхши ҳаками бўлиш йўлида япониялик Юичи Накамура ва малайзиялик Моҳд Субҳиддин Солиҳларни орта қолдирди.

— Мени вояга етказган мураббийлардан, жамоамиз раҳбарларидан, дўстларимдан, доимо кўллаб-қувватлаб турган ишқибозлардан миннатдорман, — дейди С. Жепаров. — Умид

Эътироф



Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

Жиззахда бокс бўйича вилоятнинг биринчи спорт устаси, Ўзбекистоннинг кўп қарра чемпиони Дилшод Каримов соврини учун халқаро мусобақалар бўлиб ўтди.

Эпчиллар голиб

Тўрт кун давом этган беллашувларда Қозғоғистон, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардан келган, 1991-1992 йилларда туғилган 120 нафар спортчи 14 вазн тоифаси бўйича рингга чиқдилар.

Кизгин беллашувларда Ш. Муродалиев (Андижон), И. Турсунхўжаев (Чирчик), Р. Иномов (Хоразм), Х. Хамроев (Навоий), Ш. Эргашев (Фарғона), Р. Тўлаганов (Тошкент шаҳри), А. Муясаров, О. Ишқулловлар (Жиззах) голиб чиқиди.

Шунингдек, мусобақа қатнашчилари "Энг яхши техникаси учун", "Ғалабага ишлەйди учун", "Энг яхши ҳакам", "Энг яхши мураббий" номинациялари бўйича ҳам тақдирландилар.

Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) тақлиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собик «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалиги (МТЗ трактори негизда) техникалари ва махсус техникаларни тақлиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservice» кўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

«МАЗ» ВА «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

"INTEGRAL ASIA"

Компьютеры P4

с 17" монитором

Продажа по перечислению И В кредит. При поддержке Кредитного союза "Актив инвест"

г.Ташкент, ул.Фарғона йули, 13/12, тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28, факс 120-30-26.

Товар сертифицирован e-mail: sale@onlineuz.net www.integral-asia.com

Самарқанд томонларда

Анестезиологлар ўқувчи

Самарқанд давлат тиббиёт институтида анестезиологлар таълими учун Европа жамғармаси (ФЕЕА) томонидан ўқув курслари ташкил этилди.

Тўртинчи бор ўтказилган ушбу курсларда республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарлардаги тиббиёт бирлашмалари, ихтисослаштирилган тиббий марказлардан келган 80 га яқин шифокорлар жаҳоннинг етакчи мутахассислари маърузаларини тингладилар.

— Ушбу ўқув курслари, — дейди даниялик профессор Ларс Б. Ларсен, — шифокор-мутахассисларга жаҳон анестезиологиясида қўлланилаётган янги асбоб-ускуналар, кашфиётлар ва янгиликлардан воқиф бўлиб туришлари ҳамда уларни амалда қўллашларига катта ёрдам беради.


Саҳнада «Ғап-ғаштак»

Абдулхамид Маждидий номидаги Каттақўрғон драма театрида янги гуруҳ — «Ғап-ғаштак» томошасининг тақдими ўтказилди.



Дастурдан жой олган интермедия, ҳажвий кўшиқ-ялалар, қатра хандалар ва спектакллардан парчаларни театрнинг иккидорли актёрлари икки эдиладар. Азаллий урф-одатларимиз, бугунги кун қувончию ташвишларини саҳнага олиб чиқишда режиссёр Зайниддин Омонов астойдил меҳнат қилган. Айниқса, порахўрлик, очкўзлик, хасислик каби иллатларнинг бегараз қулги воситасидаги талқини барчани ҳалол меҳнат билан кун кечиршига ундаши диккатга сазовордир.

Абдураул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Заковатингизни кўрсатиб, соврин ютиб олинг! «Янги йил марафони» конкурси

17 ноябрдан 17 декабргача «Янги йил марафони» конкурсида қатнашинг! 2009 қисқа рақамига нириллача **ДА** ёни лотинча **DA** номандасини юбориб, марафон қатнашчиси бўлинг ва юборилган саволларга тўғри жавоб бериб баллар тўпланг.

Сиз дўстларингизни конкурсга жалб этиш учун кодга эга бўлишингиз ва нодни уларга юборишингиз мумкин, улар конкурс иштирончисига айланган заҳоти ҳар бир жалб этилган дўстингиз учун сизга 2 балл совға қилинади.

Ҳар бир бешта тўғри жавоб учун иштирончи расм, мусиқа, суперовоз танлаб олиши мумкин.

Ҳафта якуни бўйича энг билимдон иштирончи мобил телефон билан, конкурс якуни бўйича эса энг билимдон иштирончи ноутбук билан тақдирланади.

2009 рақамига битта SMS юбориш — **so.35**.

Конкурс "Inform Mobil Tashkent" контент провайдер билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Батарейни: 0990 моб., тел.: (+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09 www.mts.uz / wap.mts.uz
 Тўловлар сўмда УЎР МБнинг тўлов кўнмадаги курси бўйича амалга оширилади. Нарзаларга барча солиқлар киритилган.
 Ўзбекистон Республикасида қизматлар «Удирробота» компанияси томонидан таъдир этилади.
 Хизматлар лицензияланган

МТС
алоқа оператори

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 25557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўзғоғ бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида теринди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материали

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчулар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпшов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Нулдошева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусахҳид — Х. Тошхўжаев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 21.45